

---

Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Муҳаммадали Юнусовнинг таклиф ва тавсиялари тингланди. Фурқат туманида аҳоли мурожаатларида акс этаётган муаммолар ва уларни ҳал қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳусусида матбуот анжумани ўтказилди

Халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгашининг навбатдаги қирқ бешинчи сессияда туман Кенгаши депутатлари, секторлар раҳбарлари, халқ қабулхонаси, тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Дастлаб, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича келиб тушаётган мурожаатларни таҳлил қилган ҳолда, ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг натижадорлигини ўрганиш юзасидан Халқ қабулхонаси мудирини Расулжон Жўраевнинг ахбороти тингланди.

Сессия кун тартибига кўра, халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия раиси Баҳриддин Шарофиддиновнинг жорий йилнинг 11 феврал куни Давлатимиз раҳбари бошчилигида “Хавфсиз ва раван йўл” тамойили асосида йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари”га бағишланган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси ҳамда мазкур масала юзасидан 2021 йил давомида амалга оширилган ишлар таҳлиliga бағишланган ҳисоботи тингланди.

Шу билан бирга, Туманда янги маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этилганини маъқуллаш юзасидан, туман ҳокимининг маслаҳатчиси, Географик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича комиссия аъзоси Ёқубжон Исоқовнинг ахбороти ва таклифлари эшитилди.

Маълумки Давлат раҳбари томонидан жорий йилнинг 8 феврал куни ҳудудларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича 2022 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича тушунтириш бериш учун вилоят ишчи гуруҳи аъзоси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Муҳаммадали Юнусовнинг аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш, ҳудудларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш, халқимизга муносиб турмуш шароитларини яратиш борасида ишларини тизимли амалга ошириш борасидаги таклиф ва тавсиялари тингланди. Кун тартибидagi сўнгги масала, “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан сектор раҳбарларининг “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп фарзандли оилаларга, ногиронлиги бўлган шахслар ва ёлғиз қарияларга, ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган фуқароларга моддий ёрдам кўрсатилиши тасдиқлаб олинди.

Халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгашининг қирқ бешинчи сессияси туман ҳокимлигининг фейсбук ижтимоий саҳифаси орқали жонли эфирга узатиб борилди.

Сессиядан сўнг, оммавий ахборот воситалари вакиллари учун туман ҳокими иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда халқ қабулхонаси мудирини, туман ҳокими, ҳоким ўринбосарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.

Тадбир давомида ОАВ вакиллари ва маҳаллий блоггерлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Туманда аҳоли мурожаатларида акс этаётган муаммолар ва уларни ҳал қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги саволларга туман ҳокими, халқ қабулхонаси мудирини томонидан батафсил жавоб берилди. Шу билан бирга туман ҳокими жорий йилда туманнинг энг намунали ҳудудга айлантириш, фуқароларимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш борасидаги режалари билан ўртоқлашди.

2022-03-12 22:57:55